

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Хизматда фойдаланиш учун
№ _____ нусха

МЕНГЛИЕВ АЛИ САЙКАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА КУЙДИРГИ
ЎЧОҚЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШИШ МОНИТОРИНГИ**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2021

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по ветеринарным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on veterinary sciences**

Менглиев Али Сайканович

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида куйдирги ўчоқларининг жойлашиш
мониторинги..... 3

Менглиев Али Сайканович

Мониторинг расположения очагов сибирской язвы в южных областях
Узбекистана..... 21

Mengliev Ali Saykanovich

Monitoring the location of foci of anthrax in the southern regions of Uzbekistan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Хизматда фойдаланиш учун
№ _____ нусха

МЕНГЛИЕВ АЛИ САЙКАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА КУЙДИРГИ
ЎЧОҚЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШИШ МОНИТОРИНГИ**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/V13 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samvmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Салимов Хаит Салимович**
ветеринария фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Давлатов Равшан Бердиевич**
ветеринария фанлари доктори, профессор

Маматкулов ИбрагимХамидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси**

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» 11 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (+99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14286- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» 10 кун тарқатилди.
(2021 йил «26» 10 даги 13-рақамли реестр баённомаси).



Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

Ш.Х.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда Жаҳон Ҳайвонлар Соғлигини Сақлаш ташкилотининг (ЖҲССТ) маълумотиغا кўра ер қитъасидаги мамлакатлар ҳудудларида ҳар йили ўртача 160 минг куйдирги ўчоғида қарийб 2 млн. бош Ҳайвонлар ва 40 минг киши касал Ҳайвонларнинг маҳсулотлари орқали куйдирги билан касалланади. «Ҳар йили дунё бўйича 5-6 минг янги куйдирги ўчоғи рўйхатга олинади, ер юзида қайд қилинган касалликнинг 41,12% и Европа, 39,17% и Осиё, 10,03% и Америка ва 9,68% и Африка қитъаларига тўғри келади»¹. Бир йилда Европанинг 26 та, Осиёнинг 16 та, Африканинг 31 та ва Америка қитъасининг 13 та давлатлари ҳудудларида куйдирги қайд қилинган.

Дунё миқёсида куйдирги касаллигига 22 тур, шу жумладан, жуфт туёкли қишлоқ хўжалик Ҳайвонлари жуда мойил, ёввойи Ҳайвонлар ҳам ушбу касалликка чалинади. Куйдирги одамларга асосан касал Ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотлари орқали осонгина юқади. Куйдиргидан келадиган иқтисодий зарар касал Ҳайвоннинг нобуд бўлиши, даволаш, носоғлом ҳудудни дезинфекция қилиш, карантин тадбирларини бажариш, шартли соғлом Ҳайвонларни вакцинация қилиш, мажбурий сўйилган Ҳайвонлар маҳсулотларини йўқотилиши, чорва маҳсулотлари (гўшт, сут, тери, жун ва бошқалар)нинг камайишидан иборат. Шу сабабли куйдиргига қарши курашишнинг замонавий илмий асосланган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни ветеринария амалиётига жорий этиш ҳозирги куннинг муҳим долзарб муаммоси ҳисобланади.

Республикамизда сўнги йилларда чорвачилик соҳасини ривожлантириш, улардан олинadиган маҳсулотлар сифатини халқаро стандартларга етказиш ва аҳолини биологик хавфсиз, сифатли экологик тоза чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга катта эътибор берилмоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз миқёсида инсон ва Ҳайвонот олами учун ўта хавfli бўлган куйдирги касаллигига қарши курашиш бўйича кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Куйдиргига мойил Ҳайвонларни самарали вакцина билан эмлаш, диагностика қилиш, олдини олиш ва қарши курашиш тадбирлари такомиллаштирилди. Сўнги йилларда ушбу касаллик бўйича республикамиз ҳудудларида мойил Ҳайвонлар орасида эпизоотик ҳолат тубдан яхшиланди ва барқарорлашди. Бироқ, ушбу тадқиқотлар бошлангунча (2002 й.) республикада, шу жумладан Қашқадарё, Сурхондарё ҳудудларида касаллик қўзғатувчиси манбаи ҳисобланган куйдирги ўчоқлари номлари 1934-1990 йилларгача колхоз ва совхозлар номлари билан юритилган ва хўжаликлар эса, партия дохийлари ва раҳбарлари номи билан аталган, хўжаликлар номи уларнинг йириклашиши, бошқа туманга тобе бўлиши натижасида доимо ўзгариб турган. Куйдирги ўчоқлари кадастр қилинмаган, муҳофазага олинмаган, уларга «Куйдирги» белгиси қўйилмаган, паспорт юритилмаган, географик координатлари (Шарқий узунлик ва Шимолий кенглик) аниқланмаган. Бундай шароитда куйдирги

¹ <https://www.oie.int/en/disease/anthrax>; <https://kso.page.link/wps>.

ўчоқлари номларини тезда касаллик чиққан қишлоқ номи билан ўзгартирилмаса ва уни кадастрга киритиб, картограмма тузилмаса 10-15 йилдан сўнг эски куйдирги ўчоқларини бутунлай топиш имкони бўлмайди. Шунинг учун ҳам Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудударида охириги 86 йил давомида (1934 - 2020 йй.) куйдирги ўчоқлари жойлашган манзилни аниқлаш, уларнинг номларини қишлоқ номлари билан номлаш, географик координатларини (Шарқий узунлик ва Шимолий кенглик) аниқлаш, кейин кадастрга киритиш, ҳамда вилоят, туман ва аҳоли пунктлари кесимида ўчоқлар картограммасини тузиш ветеринария фани ва амалиёти олдида турган катта ҳўжалик ва социал аҳамиятга молик муаммо ҳисобланади. Шу сабабли ушбу долзарб муаммони бажариш республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»²ги, 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чрвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қуватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага доир бошқа ҳукукий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ ҳўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ҳайвонлар ва одамларда учрайдиган куйдирги касаллигининг эпизоотологияси, махсус профилактикаси ва унга қарши кураш муаммолари бўйича М.М.Орипов, Д.А.Адилов, Ж.С.Сайфутдинов, П.И.Чиченин, А.К.Сытдиқов, А.Исроилов, Б.С.Сайитқулов, Х.С.Салимов, Ғ.А.Менглиев ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Куйдирги касалигининг келиб чиқиши, кечиши, эпизоотологияси, олдини олиш ва қарши кураш чора-тадбирлари Европанинг Англия, Испания, Италия, Греция, Туркия, Норвегия, Хорватия, Албания ва Руминия мамлакатларида хорижий олимлар М.Doganay, М.Е.Hugh-Jones, Е.Shlakhov, Е.Rubinstein, Р.С.Turnbull, R.Buhm, Н.G.Chizuka ва бошқалар томонидан илмий жиҳатдан асосланган натижалар олинган.

Аммо, сўнгги йилларгача республикамизда куйдирги ўчоқлари эски ҳўжалик (колхоз, совхоз) номлари билан юритилиб, ҳўжаликларнинг номлари

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

эса, собиқ Иттифоқ даврида партия доҳийларининг номлари билан аталган ва колхоз, совхозларнинг айрим ҳолатларда бир-бирига қўшилиши ёки бўлиниши натижасида номлари ўзгариб турган, кўп ҳолларда эса янги туманлар пайдо бўлиши билан айнан бир хўжалик аввал бир туманга, кейин бошқа бир туманга тобе бўлиб қолиш ҳолатлари кузатилган. Шунинг учун ҳам Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида охириги 86 йил давомида куйдирги ўчоқлари жойлашган манзилни аниқлаш, уларнинг номларини қишлоқ номлари билан қайта номлаш, ҳар бир ўчоқга паспорт юритиш, уларнинг географик координатларини (Шарқий узунлик ва Шимолий кенглик) аниқлаш, кейин кадастрга киритиш ҳамда вилоят, туман ва аҳоли пунктлари кесимида ўчоқлар картограммасини тузиш ветеринария фани ва амалиёти олдида кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала бўлиб ҳисобланмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №И-01.45. «Ҳайвонларнингўта хавфли касалликларини (куйдирги, оқсил ва бошқалар) тарқалиши ва олдини олиш мониторинг усулларини яратиш» мавзудаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2001-2005 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида куйдирги ўчоқларини жойлашган манзилни аниқлаш, уларни қишлоқлар номлари билан қайта номлаш, фаоллигини таҳлил қилиш ва географик координатларини аниқлаш, носоғлом пунктлар паспортини яратиш, ўчоқларнинг кадастр ва картограммасини ишлаб чиқиш ҳамда касалликга қарши курашнинг илмий асосланган тизимини яратишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Ўзбекистоннинг жанубий Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида охириги 86 йил давомида (1934-2020 йй.) қайд қилинган барча куйдирги ўчоқларининг жойлашган манзилни аниқлаш;

куйдирги ўчоқларининг номларини касаллик рўйхатга олинган қишлоқ номлари билан қайта номлаш ва уларнинг фаоллигини аниқлаш;

1934-2020 йилларда қайд этилган куйдирги ўчоқларини кадастрга киритиш ва у асосида картограммасини вилоят, туман ва аҳоли пунктлари кесимида тузиш;

куйдирги ўчоқларининг паспорт шаклини ишлаб чиқиш ва уни Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги барча ўчоқларга жорий этиш;

куйдирги ўчоқларнинг географик координатларини (Шарқий узунлик, Шимолий кенглик) иккала вилоятлар ҳудудларида аниқлаш;

хайвонлар ўртасида куйдиргига қарши олиб борилган вакцинация билан касаллик қайд этилишининг боғлиқлигини ўрганиш ва олинган натижалар асосида касалликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тадбирлари бўйича услубий тавсиянома ва илмий асосланган тизим ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1934-2020 йиллар давомида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қайд этилган куйдирги ўчоқларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ҳар бир куйдирги касаллиги ўчоғининг жойлашган жойини аниқлаш, уларни қишлоқлар номи билан қайта номлаш, уларнинг фаоллигини таҳлил қилиш, географик координатларини (Шарқий узунлик, Шимолий кенглик) аниқлаш, носоғлом манзилнинг паспорт шаклини, ўчоқларнинг кадастр ва картограммасини ишлаб чиқиш, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мойил қишлоқ хўжалик ҳайвонларини куйдиргига қарши профилактик вакцинация қилиш билан касалликнинг тарқалиш даражаси ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотларда эпизоотологик, микробиологик, бактериологик, ветеринар-географик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида 1934-2020 йиллар давомида ҳайвонлар орасида қайд этилган куйдирги касаллиги ўчоқларининг географик жойлашган жойлари аниқланган ва улар қишлоқлар номлари билан қайта номланган;

республиканинг жанубий ҳудудлардаги куйдирги ўчоқларининг фаоллиги ва қайтадан касаллик қайд этилиш даврлари аниқланган;

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида 1934-2020 йиллар давомида рўйхатга олинган куйдирги ўчоқларининг жойлашиш кадастри ишлаб чиқилган ва унинг негизида вилоят, шаҳар ва туманлар кесимида ушбу ўчоқларнинг картограммаси яратилган;

куйдирги ўчоқларининг паспорт шакли ишлаб чиқилган ва у ҳар бир ўчоққа жорий қилинган ҳамда ҳар бир ўчоқнинг географик координатлари (Шарқий узунлик, Шимолий кенглик) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги куйдирги ўчоқлари кадастри ва картограммаси (2005-2019 йй.) асосида касалликка қарши ҳар йили профилактик тадбирлар режаси ишлаб чиқилган;

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида куйдирги ўчоқларининг географик координатлари (Шарқий узунлик ва Шимолий кенглик (2019 йй.)) ишлаб чиқилиб, ветеринария мутахассислари иш фаолиятида ўчоқларнинг жойлашган жойини аниқлашда қўлланма сифатида фойдаланилмоқда;

куйдирги касаллиги бўйича носоғлом пунктнинг паспорти (2006 йй.) ветеринария хизмати учун жуда муҳим расмий ҳужжат бўлиб, унда баён этилган ўчоқнинг келиб чиқиш даври, қўзғатувчи билан зарарланган майдон чегараси, унинг табиий шароити, атрофидаги мойил ҳайвонлар сони (йиллар бўйича), дезинфекция, дезинсекция ва дератизация тадбирларининг ўтказилганлиги, уларнинг номи, ўчоқ атрофидан бактериологик текшириш учун олинган тупроқ намуналари, текшириш вақти, натижалари, атрофидаги куйдиргига қарши эмланган мойил ҳайвонлар тури, сони (йиллар бўйича) ҳамда бошқа керакли маълумотлар ўша манзилда фаолият юритаётган ветеринария

мутахассисининг янада маъсулиятини оширади, касалликни ўз вақтида профилактика қилиш зарурлигини белгилайди;

куйдирги касаллигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиянома (2006 й.) ва куйдирги касаллигига қарши кураш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар тизими (2018 й.) ишлаб чиқилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, ушбу касалликни ҳар иккала вилоят ҳудудида ҳам охириги 14 йил давомида умуман учрамаслиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги текширишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, маълумотларга ишлов бериш ва амалий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, мутахассислар томонидан илмий тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий ишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё вилояти ҳудудларидаги тупроқларда Сурхондарёга нисбатан куйдирги касаллиги кўзгатувчиси *anthracis* бациллеси кенг ва интенсив тарқалганлиги, 1 ўчоқда касаллик 62 йилдан кейин қайта намоён бўлганлиги, шунингдек куйдиргининг ўчоқда қайталаниши асосан унинг рўйхатга олинишининг 1-6 йиллигида кузатилиши ва такрорланиш даражаси ўша муддатнинг ўтишига тескари пропорционал эканлиги бўйича илк бор маълумотлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида куйдирги ўчоқларининг паспорти шакли, кадастри ва картограммасини ишлаб чиқилиши, мойил қишлоқ хўжалик ҳайвонларини куйдиргига қарши юқори самарадорли 55-штаммидан тайёрланган вакцинани жорий қилиниши натижасида касаллик тарқалишининг кескин пасайиши ва охириги 14 йилда батамом барҳам топиши ҳамда ветеринария амалиётига ушбу касалликка қарши илмий асосланган тизим берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида куйдирги ўчоқларининг жойлашиш мониторинги бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Ҳайвонларнинг куйдирги касаллигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича услубий тавсиянома» ҳамда «Ҳайвонлар куйдирги касаллигига қарши курашиш бўйича илмий-асосланган чора-тадбирлар тизими» ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 14 июлдаги 02/23-219-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялар ва тизимни қўлланилиши натижасида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида охириги 14 йил давомида куйдирги касаллигини батамом бартараф этишга эришилган;

куйдирги касаллиги бўйича носоғлом манзилнинг паспорти ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 14 июлдаги 02/23-219-сон

маълумотномаси). Ушбу паспортни қўлланилиши натижасида ҳар бир куйдирги ўчоғи бўйича маълумотларни янгилаш имконияти яратилган;

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мавжуд куйдирги касаллиги бўйича носоғлом ўчоқларнинг кадастри ва картограммаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 14 июлдаги 02/23-219-сон маълумотномаси). Натижада куйдирги ўчоқларини тезкор аниқлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, шу жумладан 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, услублари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва тадқиқот натижаларининг ишончлилиги баён қилинган, олинган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларининг апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида куйдирги ўчоқларининг жойлашиш мониторингига оид адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида куйдирги касаллиги ер юзининг барча қисмларида ҳайвонлар орасида кенг тарқалганлиги ва чорвачиликка катта иқтисодий зарар етказиши бўйича маълумотлар баён этилган. Ушбу маълумотларга асосан ер юзида ҳар йили ўртача 18-22 минг ҳайвонда куйдирги касаллиги рўйхатга олинади. Шунинг 41,12% Европа, 10,03% Америка, 9,68% Африка ва 39,17% Осиё қитъаларига тўғри келади. Ушбу касалликдан фақатгина Америка қитъасининг энг шимолий ва бирқанча оролчалар ҳудуди мустасно эканлиги изоҳланган. Бу касаллик бўйича энг жиддий эпизоотик ҳолат Марказий ва Жанубий Америка қитъасининг Гватемала, Гондурас, Чили, Гаити, Перу,

Шимолий Американинг Канада давлатлари худудида, Африка қитъасининг Ғарбий ва Марказий қисмлари, Европа қитъасининг Ўрта ер денгизи атрофидаги давлатлар худудида: Греция, Туркия, Италия, Испания, Албания, Руминия, Россия Федерацияси, Осиё қитъасининг Ҳиндистон, Шри Ланка, Тамил ва Сирия, Қозоғистон Республикаси худудларида кузатилиши келтирилган. Касалликнинг учраш даражасини ҳайвонлар тури бўйича адабиёт маълумотларининг таҳлили Африка, Америка, Европа ва Ғарбий Осиё қитъалари худудида асосан қорамоллар ва қўй-эчкиларни, Шарқий Осиё регионида эса, чўчқаларни касалланишини кўрсатди.

Адабиётлар шарҳининг умумий таҳлили Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида куйдирги ўчоқларини жойлашиш кадастри ва картограммасини яратиш бўйича 1975 йилдан сўнг мукамал тадқиқотлар олиб борилмаганини кўрсатди. Бу муаммони ҳал қилиш учун, эски номлар билан аталган куйдирги ўчоқларининг номини қишлоқлар номи билан аташ, уларнинг фаоллигини аниқлаш ва уларни кадастр қилиш ҳамда картограммасини тузиш, ҳар бир ўчоққа паспорт юритиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб муаммоси ҳисобланади.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар материаллари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти қилиб, 1934-2020 йиллар давомида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари худудларида қайд этилган куйдирги ўчоқлари олинди. Ўчоқларини жойлашиш жойини аниқлаш мақсадида 1934 йилдан бошлаб, то 2021 йилгача қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида рўйхатга олинган куйдирги ўчоқларини ушбу вилоятлар ветеринария бошқармаларининг ҳисоботлари, вилоятлар туманлари эпизоотик журналлари ҳамда «Ўзбекистонда 1930-1975 йиллар давомида куйдирги бўйича носоғлом пунктлар Атласи» материалларидан фойдаланилди. Иккала вилоятдаги 1934 йилдан бошлаб, то 2021 йилгача содир бўлган барча рўйхатга олинган куйдирги ўчоқлари синчклаб текширилди, жойлашган жойлари бирма-бир аниқланилди ва таҳлил қилинди. Бизда мавжуд бўлган манбаларда куйдирги ўчоқлари илгари мавжуд бўлган колхоз ва совхоз номлари билан юритилган, уларнинг номлари эса, ўша даврдаги партия дохийлари номлари билан аталган эди. Хўжалик номлари ўзгарувчан бўлганлиги туфайли куйдирги ўчоқларининг номлари асосан улар жойлашган қишлоқ номлари билан алмаштирилди.

Тадқиқотлар олиб борилган 2 та вилоят худудидаги барча куйдирги ўчоқларининг фаоллиги таҳлил қилинди. Ўрганилаётган Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари худудида аниқланган барча куйдирги ўчоқларига уларнинг жойлашиш жойига қараб янги ном берилгандан сўнг, ушбу вилоятлар ветеринария бошқармалари, ДСЭНМ, барча туманлар ветеринария бўлимлари бошлиқлари, ВИТИ олимлари иштирокида, куйдирги ўчоқларининг жойлашиш кадастри ва картограммаси яратилди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳайвонлар орасида 1934-2020 йиллар давомида куйдирги ўчоқларининг фаоллигини ўрганишни осон бўлиши учун шартли равишда ўтган 86 йил 3 даврга бўлинди:

биринчи давр – 1934-1970 йиллар, бу вақтда чорвачиликда юқори малакали ветеринария мутахассислари ва куйдиргига қарши самарали вакциналар етишмаслиги кузатилган;

иккинчи давр – 1971-1990 йиллар, бу вақтда чорвачиликда асосан куйдиргига қарши юқори самарали вакциналар етишмаслиги кузатилган;

учинчи давр – 1991-2020 йиллар, бу вақт чорвачилик юқори малакали ветеринария мутахассислари ва куйдиргига қарши самарали вакциналар билан етарли таъминланган муддатни ўз ичига олди.

Куйдирги ўчоқларини фаоллигини ва жойлашиш картограммасини тузишда, куйдирги аниқланган йилларни картада кўрсатишни осонлаштириш мақсадида *картограмма* куйидагича шартли белгилар ва ранглар билан белгиланди: ● – Бир марта касаллик содир бўлган ўчоқлар; ▲ – 2-3 марта касаллик содир бўлган ўчоқлар; ■ – 4-5 марта касаллик содир бўлган ўчоқлар; ◆ – 6 марта ва ундан ортиқ касаллик содир бўлган ўчоқлар.


Даврларга боғлиқ *ранг* белгилари: 1934-1970 йиллар – **қора** ранг; 1971-1990 йиллар – **яшил** ранг; 1991-2020 йиллар – **қизил** ранг.

Диссертациянинг «1934-2020 йилларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида қайд этилган куйдирги ўчоқларининг эпизоотологик тавсифи» деб номланган бўлимида Сурхондарё вилоятининг 13 та тумани ва Термиз шаҳрида жами 83 та носоғлом куйдирги ўчоғида жами 155 та касаллик ҳолати рўйхатга олинганлиги келтирилган. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, аниқланган 83 та куйдирги ўчоғининг энг кўпи Узун (16 та - 19,45%), Бойсун (14 та - 16,87%), Денов (12 та - 14,46%), Сариосиё (12 та - 14,46%), Жарқўрғон (6 та - 7,23%) туманлари ва Термиз шаҳри (5 та - 6,02%) ҳудудларига тўғри келган. Энг кам (1 тадан - 1,20%) куйдирги ўчоқлари Қизирик ва Музработ туманларида қайд қилинган. Юқорида таъкидланган даврларда Ангор, Термиз туманларида 2 тадан (2,41%) ва Шўрчи, Шеробод, Қумқўрғон ва Олтинсой туманларида 3 тадан (3,61%) куйдирги ўчоқлари аниқланган (1-расм).

Қашқадарё вилояти ҳудудларида 1934-2020 йиллар давомида 229 та куйдирги ўчоқлари аниқланган бўлиб, уларнинг энг кўпи Китоб (48 та - 20,96%), Деҳқонобод (35 та - 15,28%), Шахрисабз (25 та - 10,92%), Қамаш (21 та - 9,17%), Яккабоғ (17 та - 7,42%), Қарши (13 та - 5,68%) туманлари ва Шахрисабз шаҳри (19 та - 8,30%) ҳудудларига тўғри келган. Энг кам (2 та - 0,87%) куйдирги ўчоғи Муборак туманида қайд қилинган. Юқорида таъкидланган даврларда Қарши шаҳрида (5 та - 2,18% ва Чироқчи туманида (7 та - 3,05%) куйдирги ўчоқлари рўйхатга олинган (2-расм).

Диссертациянинг «Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари туманларида куйдирги ўчоқларининг 1934-2020 йиллар давомида тарқалиш даражаси» деб номланган бўлимида Сурхондарё вилоятида қайд қилинган 155 та куйдирги ҳолатлари баён этилган. Аниқланган 155 та ҳолатнинг 106 таси (68,39%) 1934-1970 йилларга (1-давр), 37 ҳолат (24,31%) 1971-1990 йиллар (2-давр) ва фақатгина 12 таси (7,74%) 1991-2020 йилларга (3-давр) тўғри келади. Охириги марта 2006 йилда Музработ тумани Дарвоза МФЙ Қ.Муртазаев ҳовлисида 1 бош қорамолда куйдирги касаллиги рўйхатга олинган ҳолос. Ушбу ҳолатдан

кейинги 14 йилдан бери куйдирги Сурхондарё вилояти ҳудудида ҳайвонлар орасида бошқа қайд қилинган эмас.




1-расм. Сурхондарё вилояти туманларида 1934-2020 йиллар давомида рўйхатга олинган куйдирги ўчоқлари сони ва уларнинг улуши



2-расм. Қашқадарё вилояти туманларида 1934-2020 йиллар давомида рўйхатга олинган куйдирги ўчоқлари сони ва уларнинг улуши

Аниқланган 229 та куйдирги ўчоқларининг 184 таси (80,35%) 1934-1970 йй. (1-давр), 36 таси (15,72%) 1971-1990 йй. (2-давр) ва 9 таси (3,93%) 1991-2020 йилларда (3-давр) содир бўлган, гарчи айрим ўчоқларида 1-даврда куйдирги қайд этилган бўлсада, уларда кейинги даврларда (1971-1990 йй.; 1991-2020 йй.) касаллик яна қайта рўйхатга олингани учун улар 2- ва 3-даврларга таълуқли бўлиб қолган (3-расм).




3-расм. Қашқадарё вилояти ҳудудидаги куйдирги ўчоқлари сони ва уларнинг даврларга нисбатан улушини ифодаловчи диаграмма (%)

Қашқадарё вилоятида қайд қилинган 229 та ўчоқларда жами 448 та куйдирги ҳолати аниқланган. Уларнинг 399 таси (89,06%) 1936-1970 йилларга (1-давр), 40 та ҳолат (8,93%) 1971-1990 йилларга (2-давр) тўғри келган ва учинчи даврда (1991-2020 йиллар) фақатгина 9 та ҳолат (2,01%) кузатилган ҳолос (4-расм).

Куйдиргига қарши профилактик ва ветеринария санитария тадбирларини ўз вақтида ўтказилиши туфайли Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳар ҳудудида барча куйдирги ҳолатлари 1953 йилгача содир бўлгани, Косонда 1950 йилдан, Чироқчида 1976 й., Қамашидида 1986 й., Шаҳрисабз ҳудудида 1988 й., Китоб ва Муборак туманлари ҳудудларида 1990 йилдан бери касаллик бошқа қайд қилинмагани аниқланди. Қашқадарё вилояти ҳудудида охириги марта 2006 йилда Ғузор тумани Шерали кишлоғида 1 бош қўйда куйдирги касаллиги рўйхатга олинган. Ушбу ҳолатдан кейинги

ўтган 14 йил давомида куйдирги касаллиги ҳайвонлар орасида бошқа қайд этилмаган.



4-расм. Қашқадарё вилояти ҳудудидаги куйдирги ҳолатлари сони ва уларнинг даврларга нисбатан улушини ифдаловчи диаграмма (%)

Диссертациянинг «Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида куйдирги ўчоқларини кадастр қилиш ва картограммасини яратиш ва географик координатларини аниқлаш» деб номланган учинчи бобида ушбу вилоятларда илгариги вақтларда (1934-1990 йиллар) куйдирги ўчоқлари ўша хўжалик номлари билан юритилган. Хўжаликларнинг номлари эса, собиқ Иттифоқ даврида партия дохийларининг номлари билан аталган ва уларнинг қўшилиши ёки бўлиниши натижасида номлари ўзгариб турган. Кўп ҳолларда янги туманлар пайдо бўлиши билан айнан бир хўжалик аввал бир туманга, кейин бошқа туманга тобе бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида барча тур ҳайвонлар орасида куйдирги чиққан жойларни аниқлаш, уларнинг эски номларини қишлоқ номи билан аташ, географик координатларини аниқлаш ва кадастрга киритиш ҳамда касаллик ўчоқлари картограммасини тузиш ветеринария фани ва амалиёти олдида ечимини кечиктириб бўлмайдиган муаммо. Кўпгина ҳолатларда соғлом ҳудудда янги рўйхатга олинган куйдирги ўчоғи, аслида айрим сабабларга кўра (шамол эрозияси туфайли чанг, сел ёки сув босиши, қазилар ишлари ва бошқалар), ўша манзилда илгари аниқланган эски ўчоқдан келиб чиққанлиги аниқланди. Эски фаоллиги сўнган ўчоқларни одатда ветеринария мутахассислари ҳисобга олмайди. Шунинг учун куйдирги

ўчоқларини ўз вақтида кадастр қилишнинг аҳамияти, айниқса, ушбу касалликнинг махсус олдини олишда, бебаҳо. Юқорида таъкидланганлар ҳисобга олиниб, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг туманлари кесимида барча куйдирги ўчоқлари 2019 йилда қайтадан кадастр қилинди ва картограмма ишлаб чиқилди ва ва амалиётга жорий этилди. Кадастр қилишда куйдирги ўчоқларининг энг кейинги номлари олинди, чунки кишлоқлар номлари бу географик карталарга киритилган бўлади ва улар вақт ўтиши билан ўзгармайди.

Диссертациянинг «Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида куйдирги ўчоқларининг фаоллиги» деб номланган бўлимида Сурхондарё вилояти ҳудудларида 86 йил давомида жами 83 куйдирги ўчоқлари аниқланганлиги, уларнинг 51 тасида (61,45%) касаллик 1 марта рўйхатга олинган, 32 тасида (38,55%) 1 йилдан 45 йилгача оралиқ билан 2 мартадан 9 мартагача касаллик қайта-қайта такрорлангани келтирилган (1-жадвал). Касалликнинг қайталаниши ўчоқнинг рўйхатга олинганининг биринчи 1-4 йиллигида кўпроқ кузатилган. Аниқланган 32 та қайталанган куйдирги ўчоқларининг кўпчилигида (84,38%) касаллик 2-4 марта қайталаниши аниқланди. 1991-2006 йилларда содир бўлган нисбатан янги 12 та ўчоқларининг 11 тасида (91,67%) касаллик фақат 1 мартадан рўйхатга олинган холос.

1-жадвал

Сурхондарё вилояти туманларида куйдирги ўчоқларининг фаоллиги бўйича 1934-2020 йиллардаги маълумотлар

Туманлар номи	Қайд этилган ўчоқлар сони (марта)									Жами ўчоқлар сони	Жами куйдирги ҳолатлари
	1 марта	2 марта	3 марта	4 марта	5 марта	6 марта	7 марта	8 марта	9 марта		
Бойсун	8	4	1	-	-	-	-	1	-	14	27
Шеробод	3	-	-	-	-	-	-	-	-	3	3
Ангор	2	-	-	-	-	-	-	-	-	2	2
Музработ	1	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1
Қизирик	1	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1
Жарқўрғон	4	1	1	-	-	-	-	-	-	6	9
Термиз	1		1	-	-	-	-	-	-	2	4
Термиз ш.	2	1	1	1	-	-	-	-	-	5	11
Шурчи	2	1	-	-	-	-	-	-	-	3	4
Қумқўрғон	2	-	-	-	-	-	-	-	1	3	11
Денов	6	1	1	1	-	2	1	-	-	12	34
Олтинсой	2	1	-	-	-	-	-	-	-	3	4
Сариосиё	8	2	2	-	-	-	-	-	-	12	18
Узун	9	5	1	1	-	-	-	-	-	16	26
Жами	51	16	8	3	-	2	1	1	1	83	155

Қашқадарё вилояти туманларида қайд қилинган 229 куйдирги ўчоқларининг 122 тасида (53,27%) касаллик бошқа такрорланмаган бир ҳолатда, қолган 107 тасида (46,73%) 2 мартадан 8 мартагача куйдирги қайта-қайта такрорланган (2-жадвал). Қайд қилинган 107 та қайталанган (фаол) куйдирги ўчоқларининг 54 тасида (50,47%) касаллик 2 мартадан, 23 тасида (21,50 %) 3 мартадан, 13 тасида (12,15%) 4 мартадан, 9 тасида (8,41 %) 5 мартадан ва 6 тасида (5,61%) 6 мартадан такрорлангани аниқланди.

2-жадвал

Қашқадарё вилояти туманларида куйдирги ўчоқларининг фаоллиги бўйича 1934-2020 йиллардаги маълумотлар

Туманлар номи	Қайд этилган ўчоқлар сони (марта)								Жами ўчоқлар сони	Жами куйдирги ҳолатлари
	1 марта	2 марта	3 марта	4 марта	5 марта	6 марта	7 марта	8 марта		
Дехқонобод	22	7	5	1	-	-	-	-	35	55
Ғузур	9	1	-	1	-	-	-	-	11	15
Қамаши	17	3	1	-	-	-	-	-	21	26
Чироқчи	-	4	2	1	-	-	-	-	7	18
Яккабоғ	2	5	5	1	2	2	-	-	17	53
Шахрисабз	12	8	2	1	2	-	-	-	25	48
Шахрисабз ш.	12	4	1	1	1	-	-	-	19	32
Китоб	20	13	3	5	2	3	1	1	48	119
Қарши	5	4	3	-	1	-	-	-	13	27
Қарши ш.	4	1	-	-	-	-	-	-	5	6
Касби	3	2	-	1	-	1	-	-	7	17
Косон	2	2	1	1	1	-	-	-	7	18
Миришкор	12	-	-	-	-	-	-	-	12	12
Муборак	2	-	-	-	-	-	-	-	2	2
Жами	122	54	23	13	9	6	1	1	229	448

Қашқадарё вилояти туманларида куйдирги ўчоқларининг фаоллигини изоҳлашда шуни таъкидлаш жоизки, 229 та куйдирги ўчоқларининг 1 тасида (Қарши тумани Манғит қишлоғи) касаллик 62 йилдан кейин 1998 йилда, Яккабоғ тумани Охунбобоев қишлоғида 45 йилдан кейин 1990 йилда, шу туманнинг Чайдари қишлоғида 43 йилдан сўнг, Дехқонобод туманининг Тудачорбоқ ва Қоработқоқ қишлоқларида мос равишда 36 ва 39 йилдан кейин 1976, 1983 йилларда касаллик қайта аниқланган. Касалликнинг қайталаниши ўчоқнинг рўйхатга олинганининг биринчи 1-6 йиллигида кўпроқ кузатишган. Шунга ўхшаш куйдирги ўчоқларида узок вақтдан кейин (35-45 йил) қайталаниш Қашқадарё вилоятининг Касби, Китоб, Шахрисабз ва

Сурхондарёнинг Узун, Сариосиё, Жарқурғон, Термиз, Олтинсой туманлари ҳудудларида ҳам кузатилган. Бундай ҳолат куйдирги касаллигига стационарлик хос эканлигини билдиради ва ушбу вилоятларда жойлашган куйдирги ўчоқларининг фаоллигини кўрсатади.

Диссертациянинг «Ҳайвонларни куйдиргига қарши эмланиши билан касалланиш даражаси ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш натижалари» деб номланган бўлимида иккала вилоятда ҳам куйдирги бўйича 1934-1970 йиллар оғир эпизоотик ҳолат кузатилгани баён қилинган. Биринчидан, коллективлаштириш, уруш олди, уруш ва ундан кейинги йилларда малакали ветеринария мутахассислари ҳамда ветеринария-санитария тадбирларини ўтказиш учун маблағ етарли бўлмаган. Иккинчидан, куйдиргига қарши юқори самарали вакцина ва эмлаш тадбирларини режа асосида ўтказишга имкон бўлмаган. Ўша даврларда (1934-1952 йй.) касаллик 1-2 йилик оралик билан кўп марта қайталангани аниқланди.

1971 йилдан бошлаб куйдирги бўйича эпизоотик вазият тубдан ўзгарабошлаган. 1982 йилларгача мойил ҳайвонлар куйдиргига қарши СТИ вакцинаси билан 1 марта эмланган. Вакцина 1 йил давомида ҳайвонларни куйдиргидан тўлиқ ҳимоя қилаолмагани сабабли, 1982 йилдан бошлаб, йилда 2 марта эмлашга ўтилган. Бироқ, бунда 2 барабар кўп миқдорда вакцина талаб этилган. 1990 йилдан бошлаб, Ўзбекистонга Россия Федерациясидан *Bac.anthraxis* нинг капсуласиз 55-штаммидан тайёрланган янги вакцинаси жорий қилинабошлаган. 2000-2020 йиллар давомида республикада 453 млн. дан ортиқ, шу жумладан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида жами 128849895 бош қорамол, қўй-эчки, от, эшак, туя ва чўчқалар ушбу вакцина билан эмланган.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги куйдирги бўйича носоғлом ва хавфли ҳудудлардаги ушбу касалликка мойил ҳайвонларни ҳар йили юқори самарадорликка эга бўлган ушбу вакцина билан мунтазам эмлаш, эпизоотик ўчоқларни ўз вақтида сифатли дезинфекция қилиш, шунингдек, ҳайвонлар маҳсулотларини (тери, жун) йиғишда, сақлашда, ташишда, уларга ишлов беришда, касал молларни алоҳида ажратишда ва унга диагноз қўйишда, ўлган ҳайвонларни йўқотишда ветеринария-санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш асосида тадқиқотлар ўтказилган иккала вилоятда ҳам охириги 14 йил давомида куйдиргини батамом йўқотишга эришилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқотлар натижасида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари (қорамол, қўй, от, чўчқа, туя) орасида 1934-1970 йиллар давомида куйдирги касаллиги кенг тарқалганлиги аниқланди. Ушбу вилоятларда кейинги 86 йил давомида 312 та куйдирги ўчоқларида 603 бош турли хил ҳайвонлар куйдирги билан касалланган, бироқ ўчоқларнинг 70,68% ва куйдирги ҳолатларининг 75,04% Қашқадарё вилоятида содир бўлганлиги, унда касалликнинг Сурхондарёга нисбатан анча кенг ва интенсив тарқалганлигидан дарак беради.

2. Сурхондарё вилоятининг 13 та тумани ва Термиз шаҳри ҳудудларида 1934-2020 йиллар давомида жами 83 та куйдирги ўчоқлари рўйхатга олинган бўлиб, уларда 155 бош, шу жумладан 90 бош қорамол, 63 бош қўй, 1 бошдан от ва чўчка касаллангани аниқланди. Куйдирги ўчоқлари энг кўп Узун (19,45%), Бойсун (16,87%), Денов, Сариосиё (14,46%) ва энг кам - Қизирик, Музработ туманларида (1,20%) эканлиги аниқланди.

3. Сурхондарё вилояти туманларида сўнги 86 йил давомида ҳисобга олинган 83 та куйдирги ўчоқларининг 46,99% 1934-1970 йилларда, 38,55% 1971-1990 йй. ва фақатгина 4,476% 1991-2020 йилларда содир бўлгани аниқланди. Вилоятда бу даврда фақатгина 4 та янги куйдирги ҳолати 1997-2006 йилларда рўйхатга олинган ҳолос. Тадқиқотлар натижасида кейинги 14 йил давомида куйдирги касаллигини батамом бартараф этишга эришилди.

4. Куйдиргига қарши профилактик ва ветеринария-санитария тадбирларини ўз вақтида ўтказилиши туфайли Қизирик туманида 1954 йилдан, Шерободда 1970 й. ва Термиз шаҳри ҳудудида 1975 йилдан ҳозирги кунгача касаллик бошқа қайд қилинмагани аниқланди.

5. Қашқадарё вилоятининг 12 та туманлари, Қарши ва Шахрисабз шаҳарлари ҳудудларида кейинги 86 йил давомида жами 229 та куйдирги ўчоқлари рўйхатга олинган бўлиб, уларда 448 куйдирги ҳолати аниқланди. Энг кўп куйдирги ўчоқлари Китоб (20,96%), Деҳқонобод (15,28%), Шахрисабз (10,95%), Қамаш (9,17%) туманларида, Шахрисабз шаҳрида (8,30%), ва энг кам Муборак (0,87%) туманида ва Қарши шаҳри (2,18%) ҳудудида жойлашгани аниқланди.

6. Қашқадарё вилояти туманларида 1934-2020 йиллар давомида қайд қилинган 229 та куйдирги ўчоқларининг 184 таси (80,35%) 1934-1970 йилларда, 36 таси (15,72%) 1971-1990 йилларда ва фақат 9 таси (3,936%) 1991-2020 йилларда содир бўлгани аниқланди. Кейинги 9 та ўчоқнинг 5 таси нисбатан янги бўлиб, улар 1997-2006 йилларда рўйхатга олинган.

7. 1934-2020 йиллар давомида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги куйдирги ўчоқларининг фаоллигини ўрганиш натижасида мос равишда 62,20% ва 53,27% ўчоқларда касаллик бир мартадан қайд этилган бир ҳолатда, уларнинг 37,80 % ва 46,73 % касаллик бир йилдан 62 йилгача оралик билан 2 мартадан ортиқ такрорланиши аниқланди. Фақат 1,20% ўчоқлардагина куйдирги 7-9 мартагача қайталаниши кузатилди.

8. Касалликнинг бир ўчоқда такрор намоён бўлиши унинг рўйхатга олинганининг биринчи 1-6 йиллигида кўпроқ кузатилиши, такрорланиш даражаси эса, муддатнинг ўтишига тескари пропорционал эканлиги исботланди.

9. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 1991-2006 йиллар давомида рўйхатга олинган нисбатан янги куйдирги ўчоқларининг 77,78 дан 91,66% гача ҳолатда касаллик фақат бир мартадан содир бўлгани аниқланди. Шундан кейинги ўтган 14 йилдан бери куйдирги бошқа қайд этилмади. Бу натижа ушбу ўчоқларда куйдирги қўзғатувчисини тўлиқ

зарарсизлантирилганини ва улар атрофида профилактик ишларни юқори савияда бажарилишини кўрсатади.

10. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида 1965-1970 йиллардан бошлаб куйдиргига диагноз қўйишнинг такомиллашиши, касал ҳайвонларни ўз вақтида ажратиш ва мойил ҳайвонларни мунтазам СТИ вакцинаси билан эмлаш асосида эпизоотик вазият осойишталик томонга ўзгариши ҳамда касалликнинг ўчоқларда такрор намоён бўлиш ҳолатларини кескин камайиши аниқланди.

11. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мойил ҳайвонларни 1991 йилдан бошлаб ҳар йили юқори самарадор 55-штаммдан тайёрланган вакцина билан мунтазам эмлаш, эпизоотик ўчоқларни етарли зарарсизлантириш, ҳайвонлардан олинган тери, жунларни сақлашда, мажбурий сўйиш жараёнларида ветеринария-санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш асосида тадқиқотлар ўтказилган иккала вилоятда ҳам охириги 14 йил давомида куйдиргини батамом бартараф этишга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРИИ

Для служебного пользования

экз. № _____

МЕНГЛИЕВ АЛИ САЙКАНОВИЧ

**МОНИТОРИНГ РАСПОЛОЖЕНИЯ ОЧАГОВ СИБИРСКОЙ ЯЗВЫ В
ЮЖНЫХ ОБЛАСТЯХ УЗБЕКИСТАНА**

**16.00.03 – Ветеринарная микробиология, вирусология, эпизоотология, микология с
микотоксикологией и иммунология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3.PhD/V13.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте ветеринарии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samvmi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Салимов Хаит Салимович
доктор ветеринарных наук, профессор

Официальные оппоненты: Давлатов Равшан Бердиевич
доктор ветеринарных наук, профессор
Маматкулов Ибрагим Хамидович
доктор медицинский наук, профессор

Ведущая организация: Государственный комитет Ветеринарии и развития
животноводства Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «17» 11 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 при Самаркандском институте ветеринарной медицины (Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86; e-mail: www.samvmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистрирована за № 14286). Адрес: 140103, Самарканд, ул. М.Улугбека, дом 77, тел: (99866) 234-76-86.

Автореферат диссертации разослан «26» 10 2021 г.
(протокол рассылки № 13 от «26» 10 2021 г.)



Х.Б.Юнусов

Председатель научного совета по
присуждению учёной степени, д.биол.н.,
профессор

Ш.Х.Курбанов

Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёной степени, к.вет.н.,
доцент

К.Н.Норбоев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёной
степени, д.вет.н., профессор

ВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Сегодня, по данным Всемирная организация по охране здоровья животных (ВООЗЖ) ежегодно в мире в среднем в 160 000 очагах по сибирской язве заболевает около 2 млн. голов различных животных и 40 000 человек заражаются от продуктов больных сибирской язвой животных. «Каждый год в мире регистрируется 5-6 тысяч новых очагов сибирской язвы. При этом в мире из числа зарегистрированных случаев сибирской язвы 41,12% приходится на долю Европейского континента, 39,17% - Азии, 10,03% - Америки и 9,68% - Африки»¹. За один год сибирская язва была зарегистрирована в 26 странах Европы, 16-в Азии, 31- в Африке и 13 - в Северной и Южной Америке.

В мире существует 22 вида восприимчивых животных к сибирской язве, в том числе очень восприимчивые парнокопытные сельскохозяйственные животные, болеют и дикие животные. Сибирская язва легко передается человеку, через больных животных и их продуктов. Поэтому разработка современной интегрированной научно-обоснованной системы мер борьбы и профилактики с сибирской язвой животных и её внедрение в ветеринарную практику является актуальной проблемой сегодняшнего дня.

В последние годы в нашей стране большое внимание уделяется развитию животноводческой отрасли, приведению качества животноводческой продукции к международным стандартам и уделяется большое внимание на удовлетворению спроса населения на биологически безопасную, качественную, экологически чистую продукцию животноводства. Исходя из этого, в масштабе всей республики принимается широкий спектр мер по борьбе с сибирской язвой, которая представляет серьезную угрозу для животных и человека. Введена эффективная вакцинация восприимчивых к сибирской язве животных, усовершенствованы диагностики и улучшены меры борьбы. За годы независимости эпизоотическая ситуация по данному заболеванию среди восприимчивых животных во всех регионах республики улучшилась и стабилизировалась. Однако, до начала наших исследований (2002 г.) сибиреязвенные очаги, являющиеся источником возбудителя инфекции на территории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей, возникшие в 1934-1990 годы были названы именами колхозов и совхозов, которые назывались именами вождей партии. Названия хозяйств со временем постоянно изменялись. Очаги не были включены в кадастр, не защищены, не имели паспорта, без опознавательного знака «Сибирская язва» отсутствовали географические координаты (Северная широта, Восточная долгота). В таких изменяющихся условиях места расположения старых очагов сибирской язвы невозможно найти через 10-15 лет, если названия очагов не будут срочно заменены на название кишлака, где находится сибиреязвенный очаг. Поэтому точное выяснение места расположения сибиреязвенных очагов, возникшие за последние 86 лет (1934-2020гг.), их переименование названиями

¹ <https://www.oie.int/en/disease/anthrax>; <https://kso.page.link/wps>.

